

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**АХМАДАЛИЕВ БЕРДИАЛИ САЙДАЛИЕВИЧ**

**ПЕДАГОГИК КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ АСОСИДА ТАРБИЯВИЙ  
ИШЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ  
(Педагогик олий таълим мисолида)**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи.**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ЧИРЧИҚ – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии(PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doktor of philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

**Ахмадалиев Бердиали Сайдалиевич**

Педагогик кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишларни такомиллаштириш  
механизмлари.....5

**Ахмадалиев Бердиали Сайдалиевич**

Механизмы совершенствования воспитательной работы на основе  
педагогического кластерного подхода (На примере педагогического высшего  
образования). .....21

**Ahmadaliyev Berdiali Saydaliyevich**

Mechanisms for improving educational work based on the pedagogical cluster  
approach (On the example of pedagogical higher education) .....40

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of publications.....45

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**АХМАДАЛИЕВ БЕРДИАЛИ САЙДАЛИЕВИЧ**

**ПЕДАГОГИК КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ АСОСИДА ТАРБИЯВИЙ  
ИШЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ  
(Педагогик олий таълим мисолида)**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи.**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ЧИРЧИҚ – 2022**

The topic of the doctoral (PhD) dissertation in pedagogical sciences was registered in the Higher Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan with No. B2022.2.PhD/Ped3321.

The dissertation was accomplished at the Chirchik Pedagogical University.  
The abstract of the doctoral (PhD) dissertation was published in three (Uzbek, Russian, English (resume)) languages on the website of the Scientific Council at [www.cspi.uz/uz/filmiy-kengash](http://www.cspi.uz/uz/filmiy-kengash) and on the website of "ZiyoNet" Informational and Educational Portal at [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

**Scientific supervisor:** **Khurvalieva Tarmiza Latipovna**  
Doctor of Pedagogical Sciences (DSc), Associate Professor

**Official opponents:** **Abdullayeva Shahzoda Abdullayevna**  
Doctor of Pedagogical Sciences, Professor

**Kuronov Muhammad**  
Doctor of Pedagogical Sciences, Professor

**Leading organization:** **Termiz State Pedagogical Institute**

The defence of the dissertation will be held on "19" 11 2022, at 14<sup>00</sup> at the meeting of the Scientific Council No. DSc.03/30.04.2022.Ped.82.01 at Chirchik State Pedagogical University (Address: 104 Amir Temur str., 111720, Chirchik city, Tashkent region. Tel.: (+998) 70-712-27-55; fax: (+998) 70-712-45-41; e-mail: [cspi\\_kengash@umail.uz](mailto:cspi_kengash@umail.uz)).

The dissertation can be found in the Information Resource Centre of Chirchik State Pedagogical University (registered under No. 140). Address: 104 Amir Temur str., 111720, Chirchik city, Tashkent region. Tel.: (+998) 70-712-27-55; fax: (+998) 70-712-45-41.

The abstract of the dissertation was sent out on "14" 11 2022.  
(Registry record No. 35 dated "14" 11 2022)



**U.N. Khodzhamkulov**  
chairman of the Scientific council for awarding scientific degrees, d.p.s., professor

**F.T. Rajabov**  
scientific secretary of the scientific council for awarding scientific degrees, c.g.s. (PhD)

**Sh.I. Botirova**  
chairman of the Scientific Seminar at the Scientific Council for Awarding Academic Degrees, Doctor of Pedagogical Sciences, Associate Professor

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда таълим, ижтимоий-маданий муносабатлардаги туб ўзгаришлар, жамиятнинг глобаллашуви ва ахборотлашуви шароитида олий таълимни модернизациялаш жараёни (Темпус ва Erasmus+дастурлари, Европа Кенгаши таълим сиёсатининг концептуал қоидалари) таълимнинг интеллектуал, маданий, ижтимоий ва техник асосларини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, бўлажак мутахассисларни тарбиялашда педагогик кластер ёндашувини макро, мезо, микро даражаларда жорий этиш заруратини тақозо этмоқда. ЮНЕСКОнинг Берлин декларацияси ва “Таълим-2030” халқаро ҳаракат дастурида таъкидланишича, таълим ва тарбиявий ишларни ривожлантиришда инновацияларни қўллашнинг аҳамияти янада ортиб бормоқда. Бугунги кунда педагогик олий таълим муассасаларида кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишларни такомиллаштиришнинг дидактик имкониятларини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг ривожланган АҚШ, Англия, Япония, Россия каби давлатларида таълим-тарбияга инновацияларни кенг жорий этиш орқали юксак касбий маданиятга эга рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, педагог олимлар томонидан талабаларда умуммаданий компетенцияни шакллантиришда замонавий таълим ва ахборот технологияларини татбиқ этиш, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишда инновацион ёндашувларга асосланган ҳамкорлик механизмлари жорий этилмоқда. Дунё таълим амалиётида ҳамкор субъектларнинг салоҳиятидан оқилна фойдаланиш, хусусан, кластер ёндашуви асосида кўп томонлама манфаатли ҳамкорлик шакллари, воситалари ва усулларини амалиётга татбиқ этиш орқали таълим ва тарбия сифати ҳамда самарадорлигини оширишга нисбатан зарурат ортмоқда.

Мамлакатимизда таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда эзгулик ва инсонпарварлик тамойиллари асосида таълим-тарбия жараёнларига педагогик кластер ёндашувини жорий этишга эътибор қаратилмоқда. Умуман, ўқув ва тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари олиб кириш, усулларини такомиллаштириш, узлуксиз таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, ўқитиш методикаларини такомиллаштириш соҳанинг стратегик вазифалари сифатида белгиланган.<sup>1</sup> Шу маънода, педагогик таълимда узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, интеграцион жараёнларни кучайтириш орқали таълимга алоқадор субъектларни умумий мақсад атрофида бирлаштириш, уларнинг тажриба ва салоҳиятларини мақсадга мувофиқ йўналтириш тақозо этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 5

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги» ПФ-5712-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.04.2019 й.

июлдаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ 2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда педагогик олий таълим муассасаларида маънавий-тарбиявий ишларни ташкил этишнинг назарий жиҳатлари, баркамол шахсни тарбиялаш масаласининг педагогик аспектлари Р.Джураев, М.Қуронов, Х.Ибрагимов, Ш.Мардонов, Г.Ибрагимова, М.Иномов, А.Исимова, З.Исмоилова, С.Йўлдошева, У.Маҳкамов, М.Маҳмудова, А.Мунавваров, О.Мусурмонова, С.Нишонова, Н.Ортиқов, М.Очилов, С.Очилов, К.Рисқулова, Д.Рўзиева, Ш.Шодмонова, Н.Эгамбердиева, педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари, таълимда ҳамкорлик механизмларининг инновацион шакллари, кластер моделининг узлуксизлик, узвийлик ва изчиллик тамойиллари ҳамда уни амалиётга татбиқ этиш механизмлари Ғ.И.Мухамедов, У.Н.Ходжамқулов, Ш.И.Ботирова, С.А.Тоштемирова, Н.М.Кошанова каби олимларнинг ишларида муайян даражада ёритилган.

МДХ олимлари А.Л.Артамонов, В.П.Беспалько, Ю.К.Бабанский, С.Я.Батишев, Н.В.Кузьмина, И.Я.Лернер, С.Г.Пашкова, Н.Н.Хиридина ва бошқалар педагог кадрларни сифатли тайёрлаш борасида илмий ғояларни илгари сурган.

Хорижда С.Wagner, M.Garner, D.Kulburn, Nguyen Van Tin, M.Nind, E.L.Cowen, U.Mangal каби тадқиқотчилар ватанпарварлик ва касбий маданиятини ривожлантириш муаммолари бўйича илмий изланишлар олиб боришган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Чирчиқ давлат педагогика университети илмий тадқиқот ишлар режасининг ПЗ-20170923121-рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** педагогик олий таълим муассасаларида кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишлар механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тарбиявий ишларни такомиллаштиришда кластер ёндашувининг ижтимоий-педагогик имкониятларини аниқлаштириш;

ОТМда маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлигини баҳолаш мезонларини аниқлаш ва мониторинг қилиш механизмларини такомиллаштириш;

педагогик олий таълим муассасаларида тарбиявий ишларни ташкиллаштириш омилларини аниқлаш ва тамойилларини белгилаш;

педагогик кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишларни такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида олий таълим муассасаларида тарбиявий ишларни такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Нукус давлат педагогика институти, Чирчиқ давлат педагогика университети ва Навоий давлат педагогика институтининг жами 365 нафар респондент-талабалари иштирок этди.

**Тадқиқот предметини** олий таълим муассасаларида педагогик кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишларни такомиллаштиришнинг мазмуни, механизм, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида мавзуга оид педагогик, психологик манбалар, ДТС, малака талабларни қиёсий ўрганиш, суҳбат, тест, анкета-сўровнома, математик-статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тарбиявий ишларни такомиллаштиришда кластер ёндашувининг ижтимоий-педагогик имкониятлари “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси”да кўзда тутилган тарбиявий таъсир шакллари ва воситаларини олий таълимда қўлланилишини миллий контекст ва менталитет нуктаи назаридан таҳлил қилиш асосида аниқлаштирилган;

талаба ёшларда маънавий иммунитетни ривожлантиришга йўналтирилган маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлигини оширишнинг кластерли мониторинг мезонлари оилавий тарбия ва жамоатчилик таъсири уйғунлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

педагогика олий таълим муассасаларида тарбиявий ишларни ташкиллаштиришнинг техноген цивилизация омиллари кластер субъектларининг синергетик фаолиятига асосланган бағрикенглик, кадриятлилик тамойилларга устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

педагогик кластер ёндашуви асосида олий таълим муассасаларида тарбиявий ишларни такомиллаштириш модели тарбиявий фаолиятни касбий ўсиш муҳитига интеграциялаш ҳамда социумнинг салбий таъсирини коррекциялашга доир қисқа ва ўрта муддатли окус-тренинглари тактик жиҳатдан лойиҳалаш орқали такомиллаштирилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаларида педагогик кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишларни ташкил этишнинг методик таъминоти такомиллаштирилган;

олий таълим муассасалари талабалари учун “Тарбиявий ишлар методикаси” ўқув қўлланмаси яратилган;

талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга оид тренинг, семинар ва оммавий тадбирлар сценарий, ишланма ва дастурлари ишлаб чиқилган ҳамда жорий этилган;

олий таълим муассасаларида педагогик кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишларни такомиллаштиришга оид электрон таълим ресурси ҳамда талабаларга мотивация берувчи топшириқлар мажмуи ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммога педагогик ва психологик, методик ёндашув асосида олий таълим муассасаларида педагогик кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишларни такомиллаштириш ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республикамиз, хорижий олимлар, шунингдек, амалиётчи педагогларнинг ишларига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги, таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий таълим муассасаларида педагогик кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишларни такомиллаштиришнинг методик асослари, маънавий тарбия мезонлари ишлаб чиқилганлиги, тарбиялаш усуллари такомиллаштирилганлиги, олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган тўғараклар фаолиятини “Беш муҳим ташаббус” асосида ташкил этиш тузилмаси такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган олий таълим муассасаларида педагогик кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишларни такомиллаштириш механизмларидан давлат таълим стандарти, малака талаблари, тарбия жараёнига оид ўқув ва методик қўлланмаларни яратишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олий таълим муассасаларида педагогик кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишларни такомиллаштиришга оид тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

кластер ёндашувининг “Узлуксиз маънавий тарбия” концепциясида кўзда тутилган тарбиявий таъсир шакллари ва воситаларини олий таълимда қўллаш бўйича тавсиялар “Тарбиявий ишлар методикаси” ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, 2022 йил 19 июл 233-сонли буйруғи) Натижада, маънавий тарбия шакллари муаммоли, аналитик, амалий вазиятларни адаптивлаштиришга хизмат қилган;

талаба ёшларда мафкуравий иммунитетни ривожлантиришга

йўналтирилган маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлигини оширишнинг кластерли мониторинг мезонлари оилавий тарбия ва жамоатчилик таъсири уйғунлигини такомиллаштиришга оид тавсияларидан “Олий таълим муассасаларидаги фанларни ўқитишнинг методик системасини ишлаб чиқиш ва шу асосида инновацион электрон ўқув-услубий мажмуасин яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳасини бажаришда кенг фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 4 декабрдаги 02-07-3941/04-сон далолатномаси). Натижада, олий таълим муассасаларида тарбиявий ишларни педагогик кластер ёндашуви асосида ташкил этиш самарадорлигига эришилди;

педагогика олий таълим муассасаларида тарбиявий ишларни ташкиллаштиришнинг техноген цивилизация омиллари кластер субъектларининг синергетик фаолиятига асосланган бағрикенглик, қадриятлилик тамойилларни тадбиқ этишга оид тавсияларидан “Тарбиявий ишлар методикаси” ўқув қўлланма маъзмунига сингдирилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, 2022 йил 19 июл 233-сонли буйруғи) Натижада, талабаларда миллий ва маънавий қадриятлар шаклланишига эришилди;

олий таълим муассасаларида педагогик кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишларни такомиллаштириш модели тарбиявий фаолиятни интеграциялаш, социумнинг салбий таъсирини коррекциялашга доир қисқа ва ўрта муддатли оқув-тренингларни жорий этишга оид тавсиялари “Узлуксиз таълим янги авлод ўқув адабиётлари ва унинг электрон дарслиги яратишнинг методикаси” мавзусидаги амалий лойиҳа маъзмунига сингдирилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2020 йил 12 декабрдаги 02-07-3941/04-сон далолатномаси). Натижада, талабаларда маънавий иммунитет ва ахлоқий даражани ошириш динамикасини ривожлантиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, шундан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 141 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЪМУНИ**

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва тадқиқот усуллари

аниқланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижаларининг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Педагогик кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишларни такомиллаштиришнинг назарий-метододологик асослари”** деб номланган биринчи бобида педагогик кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишларни ташкил этишнинг педагогик зарурати, тарбиявий ишларни шакллантириш ва ривожлантиришда маҳаллий, ҳорижий олимларнинг илмий тадқиқот ишлари, маънавий-ахлоқий, тарбиявий ишларнинг ташкилий-педагогик хусусиятлари таҳлил қилинган. Кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишларни ташкил этишнинг самарали шакли ва унинг илмий-назарий асосларини яратиш долзарб педагогик муаммо эканлиги, талабаларнинг касбий фаолиятга маънавий жиҳатдан тайёр бўлишига эришишнинг дидактик параметрлари аниқланган.

Таълим тизими узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш нафақат таълим мазмунининг, балки маҳалла, оила, олий таълим жараёни яъни, уни амалга оширувчи субъектлар ўртасидаги ҳамкорликни кўзлайди. Шунини ҳисобга олган ҳолда педагогик кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишларни такомиллаштириш, тарбиянинг ҳаётий аҳамиятини ошириш ва ижтимоий социал алоқадорлик интеграциясини амалга ошириш зарур. Кластерли ёндашуви асосида талабаларни маънавий ахлоқий ривожлантириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, касб-ҳунар ўргатишнинг таъсирчан воситалари ва усуллари татбиқ этиш мазмуни ёритилган. Талабаларнинг жамият ҳаётида муносиб ўрин топиши, истеъдод ва қобилиятини ривожлантириш асносида педагогик фаолиятга тайёрлаш имкониятлари асослаб берилган.

Педагогик таълимнинг инновацион кластери ғояси Ўзбекистон республикаси фан арбоби Ғ.И.Мухамедов томонидан илгар сурилган бўлиб, унинг фикрича: “мамлакатнинг ҳудудий тузилмалари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг инновацион стратегияси”. Бизнингча, мамлакатнинг ижтимоий тараққиётида барча таълим турлари ва ижтимоий институтлар ўртасидаги ҳамкорлик муҳим ўрин эгаллайди. Чунки таълимнинг умумий мақсади ҳар томонлама ривожланган етук шахсларни тарбиялашдан иборат.

У.Н.Ходжамқулов “Кластер ёндашуви универсаллик характериға эға бўлиб, унинг таълим жараёниға татбиқ қилиниши узлуксиз таълим тизимида мавжуд тарқоқликни бартараф қилиш, таълим турларини умумий мақсад атрофида бирлаштириш, узвийлик ва узлуксизликни қарор топтириш, ўзаро рақобат ва назорат муҳитини шакллантириш, педагогик соҳада самарали ворисийликни таъминловчи яхлит тизимни яратишға асос бўлади” - деб изохлаган. Педагогик таълимнинг инновацион кластериға берилган таърифларни умумлаштирган ҳамда тарбиявий таъсирчанлик хусусиятиға

эгалитини аниқлаган ҳолда тарбия кластерига муаллифлик таърифини келтирамиз: “**таълим кластери** - бу “илм-фан-ишлаб чиқариш” инновацион занжирининг ўрганиш, ўзаро таълим ва ўз-ўзини ўқитиш жараёнидаги тарбиявий импульсдир”.

Таълим кластери ўқув, илмий ва тарбиявий жараёнларни такомиллаштиришга қаратилган субектлараро фаолият ҳисобланади. Олий таълимнинг янги парадигмаси хусусиятлари таълим-тарбиянинг барча босқичларида амалга ошириладиган шакл ва методлар мажмуидир. Кластер ёндашувида оид илмий-педагогик адабиётлар таҳлили натижалари олий таълим жараёнида инновацияларни тадбиқ этиш лозимлигини кўрсатди. Уни бир неча йўналишларда амалга ошириш мумкин:

1) олий таълим мақсадларини қайта кўриб чиқиш, шахсни ривожлантиришга, уни ижтимоий буюртма асосида таълим олиши;

2) таълим жараёнини тарбияга ҳисса қўшадиган тизим сифатида лойиҳалаш, шахсни ўзини-ўзи ривожлантиришга йўналтириш;

3) турдош фанларни ўрганиш жараёнида олинган билимларни умумлаштириш ва бир қатор фанларни интегратив ўрганиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

4) инновацион ва экспериментал ишларни фаол амалга ошириш;

5) асосий эътибор тарбиявий фаолиятда талабаларни ўзини-ўзи ривожлантиришига қаратиш, дарсдан ташқари мустақил ишларни кенгайтириш асосида ўқитувчи раҳбарлигида ўзини-ўзи тарбиялаш тажрибасини ўзлаштириш;

б) жамиятнинг замонавий ижтимоий-маданий тараққиёти даражасида тарбиявий фаолиятни ташкил этиш.

Тадқиқотда давлат таълим стандартлари талабларига жавоб бера оладиган ҳамда билишга интилувчан, қизиқувчан, мантиқий ва креатив фикрлайдиган, шахсий фаолиятини ташкил эта оладиган, суҳбатдошини диққат билан тинглайдиган ҳамда ностандарт вазиятларда мустақил равишда ҳаракат қиладиган, ўзининг хатти-ҳаракатлари учун жавоб берадиган талабаларни тарбиялашнинг педагогик имкониятлари очиб берилган. Шунингдек ўқитувчиларнинг замонавий педагогик фаолият (модератор, фасилитатор, тьютор, ментор)ини ўрганиш асосида талабаларнинг ижтимоий, маънавий ахлоқий компетенцияларини ривожлантириш механизмлари аниқлаштирилган. Шунингдек, таълим тизимининг таркибий қисмларидаги сифат ўзгаришлари натижасида мазмунли фаолиятнинг ташкилий жиҳатлари, умумий ва махсус бошқарув функциялари, дастурлар, технология ҳамда усуллар, ҳамкорлик воситаси кадрлар салоҳиятини ривожлантириш мақсадида кластер муҳитини яратиш лозим деган хулосага келинди.

Педагогик кластер ёрдамида республикада амалга оширилган таълим-тарбияни ривожлантирувчи тадқиқот тажрибаси ва натижаларидан унумли фойдаланиш ҳамда кластер ёндашуви асосида муаммоларни ижобий ҳал этиш, тарбияни ривожлантиришга қаратилган маънавий-маърифий фаолиятни амалга ошириш учун аниқ воситаларни тақдим этиш зарур.

Таълим кластери ёндашувини амалга оширишда бир нечта асосий

кўрсаткичларни ажратиш мумкин. (1-расм).



**1-расм. Тарбиявий ишларга кластерли ёндашув**

Кластер самарадорлиги барча субъектларни бир-бирини қўллаб-қувватлаши билан белгиланади. Тарбиявий ишлар кластерининг моҳияти педагогиканинг янги йўналиши сифатида ифодаланади. Тарбиявий ишлар кластерида иштирок этаётган барча субъектлар зарур малакага эга бўлган мутахассисларни тайёрлашнинг кўп босқичли тизимини тартибга солади. Кластер ёндашувини жорий этиш яхлит жараён сифатида “Умрбод таълим концепцияси” билан бирга шахс ижодий салоҳиятининг изчил ривожланишини, унинг маънавий дунёсининг ҳар томонлама бойиб боришини таъминлашни кўзда тутади. Тарбия-бу шахснинг ижтимоий маъқеида қулай ўзгаришларни, унинг ижтимоий, шахсий ва касбий ривожланишини таъминлайдиган махсус ташкил этилган таълимнинг кетма-кет босқичларидан иборат.

Кластерга киритилган субъектлар ҳамкорлиги таълим соҳасидаги инновациялар, компонентлар ва уларни ўқув жараёнида тадбиқ этиш юқори самара беради. Бунда тарбиявий жараёнга “Маърифатли жамият концепцияси” мазмуни сингдирилиб, талабаларни муваффақиятга эришиш учун инновацион тафаккур, ташаббускорлик, фидойилик фазилятларини ривожлантиришга эришилади.

Диссертациянинг “Педагогик кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишларни такомиллаштиришнинг самарали технологиялари” деб номланган иккинчи бобида кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишларни такомиллаштиришда талабаларда маънавий ахлоқий компетенцияларини ривожлантириш йўллари, педагогик кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишларни такомиллаштириш модели ишлаб чиқилган. Бунда талабаларни маънавий ахлоқий ривожлантиришнинг асосий компонентлари келтирилган, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда талабаларни маънавий ахлоқий ривожлантириш технологиялари ҳамда тарбиявий ишларни ташкил этиш механизмлари ёритилган. Тарбиявий ишларни амалга оширишда аудитория ва аудиториядан ташқари фаолият, талабаларни бўш вақтини мазмунли ташкил этиш кўзда тутилади.

**Педагогик кластерли ёндашув** тарбия жараёнидаги билим ва кўникмаларни кенгайтириш, чуқурлаштириш тарбиявий машғулотларни янада мураккаб фаолиятни ташкил этишга қаратишни назарда тутади.

Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини ўрганиш доирасида педагогик кластерли ёндашув, аудитория ва аудиториядан ташқари таълим турларини интеграциялаш жараёнида келажакдаги касбий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, бизнинг тадқиқотимиз нуктаи назаридан, ушбу ёндашув ижтимоий-маънавий муҳитни оптималлаштириш, ижтимоий фаол фуқаролик ва умуммаданий компетенцияларнинг таркибий қисмларини (мотивацион-қийматли, маънавий-ахлоқий, умуминсоний) шакллантиришга қаратилган машғулотларда талабаларнинг турли хил фаолият турларини (ўқув, тарбиявий-услугий, ўқув ва касбий) ташкил этишдан иборат.

Назарий ўрганиш, талабалар фаолиятини кузатиш, олий таълим мазмуни билан танишиш орқали талабалар қуйидаги сифатларни самарали ўзлаштириши зарурлиги аниқланди:

**Маънавий-ахлоқий** сифатлар-ватанпарварлик, байналминаллик, меҳнатсеварлик, фидокорлик, эътиқодлилиқ, адолатпарварлик, виждонлилиқ, давлат сиёсатининг тўғрилиги ва ўз кучига бўлган ишонч, дўстлик туйғусига эгаллик, тинчлик ва адолат учун курашувчанлик, бағрикенглик, масъулиятлилиқ, инсонийлик, инсонпарварлик, миллий тарихга ҳурмат кўрсатиш, ижобий миллий хусусиятлар (меҳмондўстлик, болажонлик, жамоавийлик, сахийлик, олижаноблик ва бошқалар)га содиқлик, жамоа ишларида фаол қатнашиш, ижтимоий топшириқларни бажариш, лидерлик, ўз оиласи, таълим муассасаси ҳамда ўзи мансуб бўлган академик гуруҳ шаънини ҳимоя қилиш, жамоа обрўси учун курашиш, интизомлилиқ;

**Жисмоний сифатлар**-жисмонан соғломлик, жисмонан етуқлик, ҳаракатчанлик, жисмоний маданият ва соғлом турмуш тарзига эга бўлиш;

**Экологик сифатлар**-табиат ва атроф-муҳитга ижобий муносабатда бўлиш, экологик онглилик, экологик фаоллик, экологик масъуллик, ер ости ва ер усти бойлиқларини асраш, экологик хавфни бартараф этишга ҳисса қўшиш, Ўзбекистон фауна ва флорасини асраш тўғрисида қайғуриш, экологик тежамкорлик (сув, табиий ёқилғилар ва электр энергияси кабиларни тежаш);

**Ҳуқуқий сифатлар**-ҳуқуқий онглилик, ҳуқуқий фаоллик, ҳуқуқий масъуллик, ҳуқуқий ва ижтимоий-ахлоқий меъёрларни тан олиш, давлат рамзлари (Ўзбекистон Республикаси байроғи, герби ва мадҳияси)га ҳурмат кўрсатиш, Республика қонунларига қатъий риоя этиш;

**Иқтисодий сифатлар**-иқтисодий онглилик, ҳалоллик, ишчанлик, меҳнатни ва касбий фаолиятни севиш, касбий фаолиятга нисбатан фидойилик, тадбиркорлик, ишбилармонлик, тежамкорлик, истеъмолчи ҳуқуқларини билиш.

Кластер ёндашув асосида қуйидаги интегротив-маънавий ижтимоий лойиҳалар қуйидаги тамойиллар устуворлигида ҳамда субъектлар ўртасидаги синергетик фаолият негизида амалга оширилди:

“Талаба – талабага устоз, талаба – талабага шогирд” тамойили;

“Ўз-ўзини бошқариш ва назорат” тамойили;

“Мустақил мутолаа” тамойили. Жумладан, талабалаларни китоб ўқишга қизиқтирувчи “Бир ойда 10 китоб, бир йилда 100 китоб” тамойили тадқиқот жараёнида тарбиявий ишларнинг самарадорлигини оширишда етакчи педагогик механизм сифатида амалиётга тадбиқ этилди. Бундан ташқари тарбиявий ишлар жараёнида истеъдодли талабаларни аниқлашга йўналтирилган иш турлари ҳамда тарбиявий воситалар танлаб олинди. Мазкур иш турларидан самарали фойдаланиш тартибини ОТМ миқёсида йўлга қўйишда маънавий-маърифий чора-тадбирлар режасини тузишга қўйилувчи замонавий талаблар такомиллаштирилди.

Тадқиқот даврида талаба-модератор (фасилитатор, ментор)лар фаолиятини шахсга йўналтирилган, ҳамкорлик муҳитида ташкил этиш асосида талабаларда лидерлик, ижодкорлик, етакчилик ва ватанпарварлик сифатлари тизимли ривожлантирилди. Натижада педагогик кластер ёндашуви орқали талабаларда муайян таянч компетенциялар (касбий, ахборот олиш, коммуникатив, ижтимоий) ҳамда “фан-таълим-амалиёт” устуворлигига асосланган ижодий, эркин, танқидий фикрлаш кўникмалари шакллантирилди.

Тарбиявий жараёнларни амалга оширишга йўналтирилган замонавий педагогик кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишлар механизми такомиллаштирилди. Унда маънавий баркамол шахсни ривожлантиришга йўналтирилган таълим-тарбия шакллари, методлари, тамойиллари, тьюторлар фаолияти ҳамда ижтимоий-маънавий муҳитни яратиш омиллари келтирилган. Талабаларни ижтимоийлаштириш ва касбий тайёрлашда иштирокчилардан ҳар томонлама тайёргарлик ҳамда қобилиятни намоён этишни талаб қиладиган бўш вақтни самарали ўтказишнинг “Инновацион старт”, “Илмий тўғарак”, “Ёшлар клуби” каби шакллар катта аҳамиятга эга.


Тадқиқот натижалари асосида “Педагогик кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишларни такомиллаштириш модели” такомиллаштирилди ва амалиётга тадбиқ этилди (2-расм). Мазкур моделда соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, ОТМ да тарбиявий ишлар мазмуни, тарбиявий ишларни педагогик амалиётга тадбиқ этиш, маънавий ахлоқий компетенцияларни шакллантиришга оид ёндашувлар, тамойиллар, ўқув методик таъминот ҳамда таълим мазмуни, уни амалга ошириш жараёни ифодаланган.

Тарбиявий ишларга кластерли ёндашув фаолиятининг етакчи мақсади – интеграллашган билимга эга бўлган ёш мутахассисни етиштиришга қулайлик яратадиган, омилкорлик билан бир қаторда – ўзида касбий, умумкасбий, умуминсоний билимлар, кўникма, малакалар ҳамда ахлоқий фазилатлар уйғунлашувини, субъект томонидан касбий фаолиятни, ўз вазифаларини бажариш самарадорлигини ифодаладиган ижтимоий-педагогик инфратузилма яратилганлиги.

Педагогик кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишларни такомиллаштиришнинг самарали технологиялари ва механизмларини такомиллаштириш ёрдамида маънавий иммунитетни шакллантириш амалий топшириқлар негизида ривожлантирилади.

ПЕДАГОГИК КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ АСОСИДА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МОДЕЛИ

Мақсад: ОТМда тарбиявий ишларнинг таъсирчанлиги ва самардорлигини ошириш



2- расм. Педагогик кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишларни такомиллаштириш модели.

Диссертациянинг “Педагогик кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишларни такомиллаштириш механизмлари самарадорлиги” деб номланган учинчи бобида тарбиявий ишларни тизимли, натижали ташкил этишга йўналтирилган педагогик механизм ва технологияларнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича тажриба-синов ишлари мазмуни, олиб борилиши, қўлланилган методлар ҳамда эришилган кўрсаткичлар таҳлили келтирилди. Тажриба-синов ишлари объективлик, яхлитлик, илмийлик, самарадорлик, талаба шахсига инсонпарвар ёндашув, илмий-методик маслаҳатнинг кўп томонламалиги, педагогик тажриба-синов ишларини тизимли ташкил этиш каби умумметодологик ва хусусий-методик тамойиллар асосида амалга оширилди.

Талабаларда маънавий ахлоқий компетенцияларини кластер ёндашуви асосида такомиллаштиришга йўналтирилган тажриба-синов ишлари уч босқичда амалга оширилди: тайёргарлик (2019-2020 йй), шакллантирувчи (2020-2021 йй) ва умумлаштирувчи (2021-2022 йй).

Тажриба-синов ишларида Навоий давлат педагогика институтидан 123 нафар, Чирчиқ давлат педагогика университетидан 122 нафар, Нукус давлат педагогика институтидан 130 нафар, жами 362 нафар биринчи ва тўртинчи босқич талабалари иштирок этишди.

Биринчи босқич - изланиш-йўналиш олиш босқичи (2019–2020 йиллар). Тажриба-синов ишининг ушбу босқичида педагогика олий таълим муассасаларининг “Бошланғич таълим” йўналишида таҳсил олаётган талабалар (тарбиячи, ўқитувчи)да кластерли ёндашув асосида маънавий иммунитетини ривожлантиришнинг мақсад ва вазифалари белгиланди, объектлари, баҳолаш воситалари аниқланди. Шунингдек, талабаларда маънавий иммунитетини ривожлантиришга доир қарашлар, асосий ёндашувлар, илмий адабиётлар, расмий-меъёрий ҳужжатлар ўрганилди, зарурий тадқиқот масалаларини қўйиш мақсадида назарий ва амалий йўналишларда муаммонинг ҳолати, кўлами, ижтимоий-педагогик тавсифи аниқланди.

Иккинчи босқич - тажриба-таҳлил босқичи (2020-2021 йиллар). Бу босқичда талабаларда маънавий иммунитетни ривожлантириш механизмини асослашга имкон берувчи назарий асослар ва уни қўллаш шарт-шароитлари аниқланди, талабаларда касбий маданиятнинг ривожланганлик даражасини ўрганиш учун мезонлар ва кўрсаткичлар аниқланди, педагогик моделлар ўрганилди. Бўлажак педагогларда маънавий иммунитетни ривожлантириш механизмига таъсир кўрсатувчи педагогик омиллар ва шарт-шароитлар аниқланди. Бунда савол-жавоб, суҳбат, анкета сўровнома ва тестлардан фойдаланилди.

Учинчи босқич - назарий-экспериментал босқич (2021-2022 йиллар)да талабаларда маънавий иммунитетни ривожлантиришнинг объектив зарурат эканлиги асосланди, кластерли ёндашув асосида маънавий иммунитетни ривожлантириш механизми мазмуни ва методикаси ишлаб чиқилди.

Педагогик олий таълим муассасаларида талабаларнинг маънавий иммунитетни ривожлантиришга қаратилган ижтимоий-маданий таълим

мухитини яратиш мақсадида “Кластер ёндашув асосида талабалар маънавий иммунитетини ривожлантириш” номли семинар-тренинглари дастури таълим жараёнига татбиқ этилди. Ушбу босқич педагогик олий таълим муассасалари “Бошланғич таълим” йўналиши талабаларида маънавий иммунитетни кластерли ёндашув асосида ривожлантиришнинг концептуал модели тажриба-синов асосида текшириб кўрилди ва асосланди. Таълим жараёнига татбиқ этилган ёндашувлар орқали бўлажак педагогларда маънавий иммунитетнинг ривожланганлик даражасини реал ва ҳаётий вазиятларда таҳлил қилишга эътибор қаратилди. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган методик ишланмалар ҳамда ўқув методик таъминот тажриба-синовдан ўтказилди.

Амалга оширилган тарбиявий ишлар самарадорлиги талабаларда ижтимоий кўникма ва ҳаётий компетенцияларни қуйидаги мезонларда баҳолаш орқали аниқланди:

**1.Репродуктив.** Ушбу мезон талабаларда тарбиявий фаолият, тарбияга оид ахборотлар билан ишлаш, маънавий ахлоқий сифатларни қарор топтириш, инновацион технологияларнинг моҳиятини англаш ва янги ғояларнинг туғилиши, шаклланиши билан тавсифланади.

**2.Продуктив** - ижодий-изланиш. Талабалардаги ижодий фаоллик, ностандарт тафаккур, билиш мустақиллиги, импровизация, янгилик яратиш кўникмаларининг шаклланиши билан белгиланади.

**3.Креативлик** – новаторлик, ижодкорлик. Яратилган янгиликни амалда қўллаш, баҳолаш, таҳлил қилиш, оммалаштириш ва уни кенг татбиқ этиш ҳамда истиқболга йўналтирилган стратегик режаларни тузиш билан боғлиқ жараёнларни ўз ичига олади.

Анкета сўровлари натижаларини статистик қайта ишлаш натижасида биз назорат ва тажриба гуруҳларининг якуний умумий кўрсаткичлари Стьюдент-Фишер критерийси асосида математик-статистик таҳлил қилинди.

Тажриба-синов ва назорат гуруҳлари талабаларида маънавий иммунитетнинг ривожланганлик даражалари бўйича натижалар қуйидагича бўлди:

- назорат гуруҳларида тажриба бошида 12.3% талаба юқори даража кўрсатган бўлса, тажриба охирида 13% талаба юқори даражага эришди, тажриба-синов гуруҳларида эса тажриба бошида 6.2% талаба юқори даража кўрсатган бўлса, тажриба охирида 19.2% талаба юқори даражага эришди;


ўртача кўрсаткичга эришган талабалар сони назорат гуруҳларида дастлабки босқичда 29,2% бўлган бўлса, охириги босқичда бу кўрсаткич 30,5% ни ташкил этди, тажриба-синов гуруҳларида дастлаб бу кўрсаткич 24.4% бўлса, тажриба охирида 54,5% га эришилди;

паст даражадаги кўрсаткичини талабалар сони назорат гуруҳларида 58.5% дан 56,5 % га ошди, тажриба-синов гуруҳларида эса 77.5% дан 26.2% га камайди

Тажриба ва назорат гуруҳлари талабаларининг тажриба боши ва тажриба охирида талабаларда маънавий иммунитетнинг ривожланганлик кўрсаткичи 1-жадвалда келтирилган.

**Талабаларда маънавий иммунитетнинг ривожланганлик даражалари умумий натижалари**

Таълим муассасалари	Даража	Тажриба гуруҳи		Назорат гуруҳи	
		156 нафар талаба	158 нафар талаба	147 нафар талаба	146 нафар талаба
		Тажриба бошида	Тажриба охирида	Тажриба бошида	Тажриба охирида
<b>ЧДПУ, НДПИ, НукДПИ</b>	Юқори	7	19,2	12,3	13
	Ўрта	24,4	54,5	29,2	30,5
	паст	77,5	26,2	58,5	56,5



**3-расм. Тажриба-синов ва назорат гуруҳлари талабаларида маънавий иммунитетнинг ривожланганлик даражалари диаграммаси**

Тажриба-синовнинг якуний босқичида белгиланган тажриба-синов гуруҳлари билан ўтказилган назорат ишлари ва тест натижаларига кўра барча тажриба гуруҳи респондентларининг натижалари назорат гуруҳидаги талабаларникига нисбатан ўртача 13% га юқори эканлиги аниқланди.

Олинган натижалар таклиф қилинган методлар асосида маънавий ахлоқий компетенцияларини кластер ёндашуви асосида такомиллаштириш ва бошқарилиши, анъанавий тарзда ташкил қилинишга нисбатан юқори самара бериши, яъни, тажриба гуруҳларида талабаларнинг топшириқларни мустақил бажаришлари ҳамда ўзлаштириши, назорат гуруҳига нисбатан юқори

бўлишини исботланди.

Амалга оширилган ушбу тажриба-синов ишлари муваффақиятли яқунланди ва ушбу тадқиқот натижаларини педагогик амалиётга жорий қилиш мумкинлиги асосланди.

## ХУЛОСА

1. Педагогик кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишларни такомиллаштиришга йўналтирилган тарбиявий ишлар тизимининг асосий негизини қуйидаги сифат кўрсаткичлари ташкил этади жумладан, талабаларда фуқаролик туйғуси, ижтимоий даҳлдорлик ҳисси, ўз-ўзини англаш, бағрикенглик, қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ҳушёрлик, огоҳлик, маънавий таҳдидларга мурасасиз бўлиш каби сифатлар асосида намоён бўлади.

2. Педагогик кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишларни такомиллаштириш яхлит педагогик жараённинг асосини ташкил этиб, мазкур жараёнда шахснинг қизиқишлари, эҳтиёжларини жамият манфаатлари билан уйғунлаштириш талаб этилади. Шахсга йўналтирилган таълим тизими жамият ва шахс интеграциясининг педагогик механизми ҳисобланади.

3. Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари ҳар бир талабани кундалик қизғин ақлий меҳнатга, ижодий ва мустақил фикр юритишга ўргатиш, шахс сифатида онгли мустақилликни тарбиялаш, ҳар бир талабада шахсий кадр-қиммат туйғусини вужудга келтириш, ўз кучи ва қобилиятига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, таҳсил олишда масъулият ҳиссини шакллантиришни кўзда тутади.

4. “Ўқитувчи-талаба” муносабатларидаги ҳамкорлик – бу билимларни ўзлаштириш жараённинг ташкил этилиши ва эришилган натижаларнинг биргаликдаги таҳлили, ўзаро самимийлик, бир-бирини тушуниш, катталар ва ёшларнинг ҳамкорликдаги ривожлантирувчи фаолиятidir. «Шахс (талаба)-шахс (талаба)» муносабатлари ҳамкорликнинг турли шакллари (ўзаро уйғун ҳаракатланиш, биргаликда иштирок этиш, бирга қайғуриш, бирга ижод қилиш, биргаликда бошқариш)да акс этувчи умумий жамоавий ишда тўлиқ намоён бўлади.

5. Педагогик кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишларни такомиллаштиришга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини таъминлаш учун қатор чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ҳам бундай субъектлар бир томондан ушбу жамиятга нисбатан юқори даражадаги шахсий мустақилликка эга бўлиши лозим.

6. Педагогик кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишларни такомиллаштиришга йўналтирилган таълим-тарбия ва ижтимоий тажриба уйғунлигини таъминлаш; миллий ғоя ва мафқуранинг таъсирчан воситаларини амалиётга татбиқ этиш; оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги асосида фаол фуқарони тарбиялашга доир тарғибот ва ташвиқот технологияларидан фойдаланиш; ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш ва

бунёдкорлик ҳаракатининг имкониятларини тўлиқ сафарбар этиш мақсадга мувофиқ.

7. Ижтимоий-гуманитар фанларини ўқитиш жараёнида талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш ва тарбиялаш имкониятини кенгайтириш асосида мустақил ижодий фаолиятга жалб этиш, ижобий психологик муҳитни яратиш, уларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини инобатга олиш, ишонч ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, ҳамкорлик, субъективлик, танлаш ҳамда индивидуал ёндашув каби тамойилларнинг устувор аҳамият касб этиши аниқланди.

8. Тажриба-синов ишлари даврида ташкил этилган амалий фаолият кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишларни ташкил этиш асосида мустақил фикрлаш, шахсий мулоҳазаларни эркин баён этиш, билдирилган фикрни далиллар билан асослаш, конгруэнтлик, лидерлик каби сифатларни ривожлантиришда катта имкониятларга эгалигини тасдиқлади.

9. Кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишлар аудиториядан ташқари ўтказиладиган тарбиявий тадбирларни лойиҳалаш билан бирга режалаштириш ҳамда талабаларнинг шахсий ташаббус ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш ижтимоий фаол фуқарони тарбиялаш имкониятини тўлиқ рўёбга чиқаради. Тажриба-синов ишлари жараёнида талабаларнинг акмеологик қобилиятлари ва аутопсихологик компетентлиги асосида ташкил этилган тарбиявий тадбирларнинг юқори самара бериши ўз исботини топди.

10. Кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишларни самарали ривожлантириш имкониятига эга технологиялар тизимини ишлаб чиқиш, шунингдек, тарбиявий ишларни такомиллаштиришнинг фалсафий, тарихий, ҳуқуқий, педагогик, психологик ва методик жиҳатларини ёритувчи ўқув-услубий қўлланмалар, электрон дарсликлар ва ишланмалар яратиш мақсадга мувофиқ.

**Тадқиқот натижалари ва эришилган хулосалар асосида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:**

педагогик кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишларни такомиллаштириш яхлит педагогик жараённинг асосини ташкил этиб, мазкур жараёнда шахснинг қизиқишлари, эҳтиёжларини жамият манфаатлари билан уйғунлаштириш;

кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишлар аудиториядан ташқари ўтказиладиган тарбиявий тадбирларни лойиҳалаш, режалаштириш ҳамда талабаларнинг шахсий ташаббус ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш;

кластер ёндашуви асосида тарбиявий ишларни самарали ривожлантириш имкониятига эга технологиялар ресурсини яратиш ва отмлар ўртасида уларнинг алмашлаб қўлланилишини таъминлаш;

тарбиявий ишларни ташкил этишда оқус тренинглари воситасида талабаларда мустақил фикрлаш, шахсий мулоҳазаларни эркин баён этиш, рақобатбардошлик, лидерлик каби сифатларни ривожлантириш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ЧИРЧИКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**АХМАДАЛИЕВ БЕРИАЛИ САЙДАЛИЕВИЧ**

**МЕХАНИЗМЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ  
РАБОТЫ НА ОСНОВЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО КЛАСТЕРНОГО  
ПОДХОДА**

**(на примере педагогического высшего образования)**

**13.00.01 – Теория педагогики, История педагогических учений**

**АВТОРЕФЕРАТ**

**диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Чирчик– 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2022.2.PhD/Ped3321.

Диссертация выполнена в Чирчикском государственном педагогическом университете

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета ([cspi.uz.ilmiy-kengash](http://cspi.uz.ilmiy-kengash)) и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

Научный руководитель:

Хурвалиева Тармиза Латиповна  
доктор педагогических наук (DSc), доцент

Официальные оппоненты:

Абдуллаева Шахзода Абдуллаевна  
доктор педагогических наук, профессор.  
Мухаммад Куронов  
доктор педагогических наук, профессор.

Ведущая организация:

Термезский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится «19» 11 2022 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/30.04.2022.Ped.82.01 по присуждению ученых степеней при Чирчикском государственном педагогическом университете. (Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Темура, дом 104. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: [cspi\\_kengash@umail.uz](mailto:cspi_kengash@umail.uz))

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре (зарегистрирована за №140) Чирчикского государственного педагогического университета. Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Темура, дом 104. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41.

Автореферат диссертации разослан «14» 11 2022 года  
(реестр протокола рассылки № 35 от 14.11 2022 года).



*[Signature]*  
У.Н. Ходжамкулов  
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.п.н. (DSc), доцент

*[Signature]*  
Ф.Т. Ражабов  
член секретариата научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф. (PhD) г.н., доцент

*[Signature]*  
Ш.И. Ботирова  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.п.н. (DSc), доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В мире коренные изменения в образовании, социально-культурных отношениях, процесс модернизации высшего образования в условиях глобализации и информатизации общества (программы Темпус и Erasmus+, концептуальные положения образовательной политики Европейского Союза) направлены на укрепление интеллектуальных, культурных, социальных и технических основ образования и требуют внедрения на макро-, мезо-, микроуровнях педагогического кластерного подхода к воспитанию будущих специалистов. Как утверждается в Берлинской декларации ЮНЕСКО и в международной программе действий “Образование-2030”, значение применения инноваций в развитии образования и воспитательной работы еще более возрастает. В настоящее время актуальное значение приобретает исследование дидактических возможностей совершенствования воспитательной работы в педагогических высших образовательных учреждениях на основе кластерного подхода.

В развитых странах, таких как США, Англия, Япония, Россия, проводятся научные исследования, нацеленные на совершенствование системы подготовки конкурентоспособных кадров, обладающих высокой профессиональной культурой, посредством широкого внедрения инноваций в образование и воспитание. Вместе с тем педагогами-учеными в процесс формирования у студентов общекультурных компетенций внедряются современные образовательные и информационные технологии, а в организацию образовательно-воспитательного процесса внедряются основанные на инновационных подходах механизмы сотрудничества. В мировой практике образования повышается необходимость рационального использования потенциала взаимодействующих субъектов, в частности, в повышении качества и эффективности образования и воспитания посредством внедрения в практику форм, средств и методов многостороннего взаимовыгодного сотрудничества на основе кластерного подхода.

В нашей стране в духовно-нравственном воспитании учащихся уделяется внимание внедрению педагогического кластерного подхода в процессы образования и воспитания на основе принципов добра и гуманизма. В целом, внедрение в учебно-воспитательный процесс инновационных форм обучения, совершенствование его методов, поднятие на качественно новый содержания непрерывного образования, совершенствование методик обучения определены в качестве стратегических задач в этой сфере<sup>1</sup>. В этом смысле актуальное значение приобретают обеспечение непрерывности и органичности в педагогическом образовании, объединение вокруг общей цели субъектов, связанных с образованием, посредством усиления интеграционных процессов, целесообразное направление их опыта и потенциала.

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП-5712 «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года» // Национальная база данных законодательства, 29.04.2019 г.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, намеченных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан № УП-60 “О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы” от 28 января 2022 года, № УП-5106 “О мерах по повышению эффективности государственной молодежной политики и поддержке деятельности Союза молодежи Узбекистана” от 5 июля 2017 года, № УП-5847 “Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года” от 8 октября 2019 года, № УП-6108 “О мерах по развитию сфер образования и воспитания, и науки в новый период развития Узбекистана” от 6 ноября 2020 года, № ПП-2909 “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования” от 20 апреля 2017 года и других нормативно-правовых актах, относящихся к этой сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики I. “Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства и пути ее реализации”.

**Степень изученности проблемы.** В нашей стране в определенной степени теоретические аспекты организации духовно-воспитательной работы в педагогических высших образовательных учреждениях, педагогические аспекты проблемы воспитания гармонично развитой личности освещены в работах таких ученых, как Р.Джураев, М.Куронон, Ш.Мардонов, Х.Ибрагимов, Г.Ибрагимова, М.Иномов, А.Исимова, З.Исмоилова, С.Йулдошева, У.Махкамов, М.Махмудова, А.Мунавваров, О.Мусурмонова, С.Нишонова, Н.Ортиков, М.Очилов, С.Очилов, К.Рискулова, Д.Рузиева, Ш.Шодмонова, Н.Эгамбердиева, научно-теоретические основы инновационного кластера педагогического образования, инновационные формы механизмов сотрудничества в образовании, принципы непрерывности и последовательности кластерной модели и механизмы ее внедрения в практику исследованы такими учеными, как Г.И.Мухамедов, У.Н.Ходжамкулов, Ш.И.Ботирова, С.А.Тоштемирова, Н.М.Кошанова.

